БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 92 (1354)
12 МАЙ СЕШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

## КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга оширамиз!

Миллионларча совет кишилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленумини 1959 йил 24 июнда чақириш тўғрисида матбуотимизда эълон қилинган ахборотни қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитети Марказий Комитет Пленуми муҳокамасига КПСС XXI съездининг саноатда ва қурилишда комплекс механизацияни жорий қилиш тўғрисида, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, поток линияларини жорий қилиш, саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни янада кенгайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини ошириш ва унинг таннархини камайтириш ҳамда қурилиш қийматини камайтириш мақсадида эскириб қолган асбоб-ускуналарни, штамп ва инструментларни янгилаш тўғрисидаги қарорларини бажариш тадбирлари ҳақидаги масалани киритишга қарор қилди. Бу масала юзасидан Марказий Комитет Пленумида Москва шаҳар, Ленинград, Сталино, Свердловск ва Днепропетровск Халқ хўжалиги кенгашларининг докладлари эшитилади. Шу билан бирга СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кимё давлат комитетининг КПСС Марказий Комитети Пленумининг кимё саноатини ривожлантиришни ва айниқса аҳоли талабларини ва халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш учун синтетик материаллар ва шу материаллардан буюмлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш тўғрисида 1958 йил 7 майда қабул қилган қарорининг бажарилиши ҳақидаги доклади ҳам эшитилади.

КПСС Марказий Комитетининг саноат ва қурилишни ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилмоқ учун Марказий Комитет Пленумини чақириш тўғрисидаги қарори жуда катта сиёсий ва халқ хўжалиги аҳамиятига эгадир. Бу Пленум XXI съезддан кейин КПСС Марказий Комитетининг биринчи Пленуми бўлади. Пленум муҳокамасига киритилган масалалар партиямизнинг ленинчи Марказий Комитети партияни ва халқни коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси билан қуроллантирган КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун зўр изчиллик ва сабот-матонат билан кураш олиб бораётганлигини кўрсатади.

КПСС XXI съезди мамлакатимизда авж олдирилган коммунистик қурилиш программасини ишлаб чиқиб, ўз қарорларида саноатни ва хусусан оғир индустрияни — қора ва рангли металлургияни, кимё саноатини, ёқилғи саноатини ривожлантириш, халқ хўжалигини электрлаштириш, машинасозликни ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини янада кучли суратда таъкидлади. Партия бу соҳада В. И. Лениннинг илғор фан ва техникага таянувчи йирик машина саноати, бутун мамлакатни электрлаштириш янги жамиятнинг бирдан-бир моддий негизидир, деган кўрсатмаларига асосланди. Вазифаларининг буюклиги ва яратувчилик ишларининг миқёслари жиҳатидан тарихда тенгги бўлмаган халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик плани ҳозирги босқичда партиянинг ленинча бош йўлининг тимсол мужассамидир.

Ўртоқ Н. С. Хрущев КПСС XXI съездида қилган докладида бундай деди:

«Янги техникани кенг жорий қилиш, ишлаб чиқариш процессларни **комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш**, халқ хўжалигининг барча тармоқларида **ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни** кенг жорий қилиш асосидагина етти йиллик план вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш мумкин...

Комплекс механизациялашни амалга ошириш билан бир вақтда ишлаб чиқаришни янада кенгроқ автоматлаштириш ҳам кўзда тутилади. Бу чора меҳнат шароитини тубдан енгиллаштириши ва яхшилаши ҳамда меҳнат унумдорлигини кескин суратда ошириши лозим. Социалистик жамиятда автоматлаштириш иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки социал жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Автоматлаштириш натижасида меҳнатнинг характери тубдан ўзгаради, ишчиларнинг маданий-техника савияси кўтарилади, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларни йўқотиш учун шарт-шароит вужудга келтирилади; кишининг роли автомат ва асбобларни бошқаришдан, уларни йўлга қўйишдан, технология процессларининг программа ва режимларини тузишдан иборат бўлиб қолади.. Совет давлатининг индустриал қудратини янада кўпроқ мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг техника савиясини анча кўтариш учун биз кўп иш қилмоғимиз лозим».

Партия XXI съездининг қарорларида ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасидаги ҳамма тадбирларни амалга оширишни қаттиқ контроль остига олиш зарур эканлиги кўрсатилган. Шунга биноан, КПСС Марказий Комитети партия, совет, хўжалик ташкилотларининг, бутун совет халқининг куч-ғайратини техникани тараққий эттириш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишга сафарбар қилмоқда. Марказий Комитет раҳбарликдаги ленинча услубнинг ажойиб намунасини кўрсатмоқда, Марказий Комитет ҳамиша асосий звенони алоҳида кўрсатиб бермоқда. Ана шу звенога таяниб, буюк ишларнинг бутун программасини муваффақиятли суратда бажариш ва аввало, мамлакат халқ хўжалигининг негизи ва етакчи кучи бўлган социалистик саноатни олға бостириш мумкин.

КПСС XXI съездидан буён ўтган дастлабки ойлар мобайнида экономикани ривожлантириш соҳасида янгидан-янги катта ғалабаларга эришилди. Съезд қарорларидан илҳомланган совет халқи зўр ғайрат билан етти йиллик планни бажаришга киришди. Етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси тобора кенг ривожланмоқда. Шу йил биринчи квартали планининг муваффақиятли бажарилганлиги совет халқининг етти йилликни бажаришга зўр ғайрат билан киришганлигини, план топшириқларидан ўзиб кетиб, юксак суръатлар билан ишлаётганлигини кўрсатади.

Фан ва техниканинг энг янги ютуқларини, илғор меҳнат методларини ишлаб чиқаришда жорий қилиш учун сабот-матонат билан кураш олиб бориш, рационализаторлик ва ихтирочиликни ривожлантириш — ҳозирги шароитда умумхалқ мусобақасининг характерли хусусиятидир. Мамлакатдаги металлурглар мусобақасининг ташаббускорлари бўлган Запорожье ишчилари етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш ва машина-ускуналарни бундан буён ҳам модернизация қилиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига ҳамда илғор тажрибаларни жорий қилиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини анча ошириш, ҳар бир домна ва мартен печидан, ҳар бир прокат станидан яхшироқ фойдаланиш мажбуриятини олдилар.

Ленинграддаги машинасозлар ва асбобсозлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида техника тараққиётини таъминлаш учун алоҳида жавобгар эканликларини англаб, мамлакатдаги машинасозлар ва асбобсозларга қилган мурожаатида янги техникани жорий қилиш нефть ва газ саноати учун керакли янада мукаммал пар ва газ турбиналари, приборларни кўпроқ ишлаб чиқариш, экскаваторларни, металлургия, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати учун керакли машина-ускуналарни кўпроқ ишлаб чиқариш юзасидан конкрет мажбуриятлар олдилар. Нефть ва газ саноати, кўмир, ўрмон, қоғоз, ёғочсозлик ва тўқимачилик саноатининг ходимлари етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, янги техникани жорий қилиш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва унинг сифатини ошириш юзасидан конкрет мажбуриятлар олдилар. Партия, хўжалик, касаба союз, комсомол ташкилотлари олинган мажбуриятларнинг ҳар бир коллектив томонидан муваффақиятли бажарилиши, илғорлар тажрибасининг ҳамманинг мулки бўлиб қолиши учун, камчиликлар юзасидан танқидни кенг ривожлантириш, техникани тараққий эттириш йўлидаги барча ғовларни йўқотиш учун керакли ҳамма чораларни кўришлари лозим.

Етти йиллик план капитал қурилишни ғоят кенгайтиришни кўзда тутади. Етти йил ичида капитал қурилишларга жами салкам уч триллион сўм сарф қилинади. Бу эса совет ҳокимияти барпо қилинганидан бери ўтган ҳамма йиллар ичида капитал қурилишларга сарфланган маблағларга баравардир. Янги қудратли саноат марказлари вужудга келтирилади, янги шаҳарлар, ишчи посёлкалари қад кўтаради, уй-жой қурилиши мисли кўрилмаган миқёсларда ривожлантирилади. Шу сабабли партия, совет ва касаба союз ташкилотлари қурилиш ишларини қаттиқ контроль остига олишлари лозим. Свердлов иқтисодий районининг қурувчилари етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун, қурилишнинг индустриал методларини сабот-матонат билан жорий қилиш учун, қурилиш ишларининг сифатини ошириш ва бу ишларнинг қийматини камайтириш учун мамлакатдаги барча қурувчиларни социалистик мусобақага чақирдилар.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда, халқ хўжалигининг барча тармоқларида техникани тараққий эттиришда, халқ истеъмоли учун керакли юқори сифатли буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда кимё саноати жуда катта роль ўйнайди. Кимё саноатини жадал ривожлантиришнинг кенг программасини белгилаб берган КПСС Марказий Комитети май Пленумидан кейин ўтган бир йил ичида ҳаётий муҳим бўлган ана шу соҳада жуда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Шу билан бирга айрим жойларда кимё саноатининг ишлаб турган корхоналари ва кўп қурилишларининг мавжуд имкониятлари ҳамда резервларидан тўла фойдаланилмаётганлигини ҳам эътироф этиш керак.

КПСС Марказий Комитети Пленуми тўғрисидаги ахборотнинг Пленум чақирилишидан бир ярим ой олдин эълон қилинганлиги партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, социалистик саноатимиз ва қурилишларимизнинг барча ходимларига Марказий Комитет Пленумида муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан КПСС XXI съезди қабул қилган қарорларни амалга ошириш соҳасидаги дастлабки тажрибаларни ҳар томонлама умумлаштириш, мавжуд камчиликларни очиб ташлаш ва ана шу камчиликларни йўқотиш учун конкрет тадбирларни дарҳол амалга ошириш, янги резервларни қидириб топиш ва халқ хўжалигидаги барча тармоқларда ярим йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун ана шу резервларни ишга солиш имконини беради. Партия ва мамлакатнинг ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни ишлаб чиқариш соҳасида янги муваффақиятлар билан кутиб олиш совет халқининг ажойиб традицияси бўлиб қолди.

Партиямизнинг кучи шундаки, у халқ билан чамбарчас боғланган бўлиб, ўзининг бутун фаолиятида халқнинг коллектив ақл идрокига, ижодий ташаббуси ва активлигига таянади. Улуғ Ленин эришилган муваффақиятлар билан тўхталиб қолмай, доим олға бориш керак, аввалари тўпланган тажрибамиз, вужудга келтирган маҳорат билан қаноатланиб қолмай, ҳамиша олға бориш, доим катта ютуқларга эришиш лозим, деб таълим берган эди. Партия ана шу доно кўрсатмаларга ҳамиша амал қилиб келмоқда, камчиликларни дадил танқид қилмоқда, даврини кечириб бўлган эскилик, қолоқликка барҳам бермоқда, бутун янгилик, илғорликни қизғин қўллаб-қувватламоқда, истиқболга йўл очиб бермоқда, коммунистик қурилишнинг тобора улуғвор вазифаларини илгари суриб, уларни муваффақиятли суратда ҳал этмоқда.

Мамлакатимиз халқлари жонажон Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашгандирлар. Улар КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга қатъий қарор бергандирлар, КПСС Марказий Комитетининг Пленумини коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олайлик!

**(«ПРАВДА»нинг 11 майдаги бош мақоласи).**

## *Самимий, дўстона учрашувлар*

---

### КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУШЧЕВнинг Киевда бўлиши

КИЕВ, 10 май (ТАСС). 10 май якшанба куни ҳаво очиқ эди. Совет Украинасига ҳукуматнинг олий мукофоти — Ленин ордени иккинчи марта топширилиши муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда қатнашиш учун келган Н. С. Хрущев Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. С. Коротченко, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Т. Кальченко, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Д. Бубновский, Украина Компартияси Киев область Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, меҳнаткашлар депутатлари Киев область Совети ижроия комитетининг раиси И. И. Стафийчук ва бошқа ўртоқлар билан биргаликда Киев область, Обухов районидаги «Червоний хлебороб» колхозига борди.

Колхоз жойлашган Красная слободка қишлоғига кира беришдаёқ азиз ва ҳурматли меҳмонни байрам либосини кийган неча юзлаб колхозчилар кутиб олдилар. Улар Никита Сергеевич Хрушчевни, Украина Коммунистик партияси ва ҳукумати раҳбарларини чин кўнгилдан, самимий табрикладилар.

Кекса колхозчилардан бири М. П. Цюкало, колхознинг донгдор сут соғувчиси, Ленин ордени билан мукофотланган Ольга Кухаренко, илғор чўчқа боқувчи Ольга Довбиш Н. С. Хрушчевга нон-туз тақдим этадилар. Ольга Довбиш ҳам фидокорона меҳнати учун ҳукуматнинг олий мукофоти Ленин ордени олишга сазовор бўлди.

Колхоз правлениесида суҳбат ўтказилди. Суҳбат вақтида колхоз раиси ўртоқ Кабанец колхоз ишлаб чиқариши қандай аҳволда эканлиги тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Ўртоқ Н. С. Хрущев колхознинг экономикаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтиришга доир кўп масалалар билан, колхоз қурилиши масалалари билан қизиқди, колхозчиларга бир қанча муҳим амалий маслаҳатлар берди.

Ўртоқ Н. С. Хрущев колхоз хўжалигини ҳам кўздан кечирди. Шундан кейин ўртоқ Н. С. Хрущев колхозчилар билан самимий хайрлашар экан, уларга сиҳат-саломатлик, бахт ва колхоз ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришда янгидан-янги катта муваффақиятлар тилади.

Ўртоқ Н. С. Хрущев, Украина Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари шаҳарга қараб йўл олдилар. Совет Украинаси пойтахтининг аҳолиси уларни ғоят самимий табриклади.

---

### Н. С. ХРУШЧЕВ ВА К. Е. ВОРОШИЛОВнинг ГДР раҳбарларига табрик мактуби

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Германия фашистлар асоратидан озод қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан Германия Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Вильгельм Пикнинг ва ГДР даги бошқа раҳбарларнинг юборган дўстона табрикларига жавобан бугун уларга мактуб юбордилар.

Мактубда таъкидлаб ўтилишича, ўтган 14 йил ҳар иккала мамлакат ўртасида ишончнинг доим ўсганлиги ва дўстликнинг мустаҳкамланганлиги билан нишонланди.

Мактубда бундай дейилади: Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва Ғарбий Берлинда оккупация режимини тўхтатиш учун биргаликда олиб бораётган курашимиз ўз самараларини беради ва бу билан халқаро кескинликни юмшатиш ишига катта ҳисса қўшадиган бўлади, деб ишонч билдирамиз.

Н. С. Хрушчев ва К. Е. Ворошилов Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ва Германия Демократик Республикаси ҳукумати томонидан қўйилган вазифага, яъни аҳоли жон бошига озиқ-овқат ва саноат товарларининг энг муҳим турларини истеъмол қилиш соҳасида Ғарбий Германияга 1961 йилгача етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш вазифасига тўхталиб, ана шу катта ва сиёсий жиҳатдан муҳим вазифа муваффақиятли суратда бажарилишини астойдил истаганликларини изҳор қиладилар.

Мактубнинг охирида ҳар иккала мамлакат ўртасида вужудга келган қардошларча дўстлик муносабатлари Европада ва бутун дунёда тинчлик саодати йўлида бундан буён ҳам доим ривожланади ва мустаҳкамланади деб ишонч билдирилади. (ТАСС).

## *Индонезия Президенти Сукарно К. Е. Ворошилов ҳузурида меҳмон бўлди*

СОЧИ, 9 май (ТАСС махсус мухбири). Бу ерда дам олаётган Индонезия Президенти Сукарно бугун СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳузурида меҳмон бўлди. К. Е. Ворошилов дўст Индонезия давлатининг бошлиғи шарафига зиёфат берди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида К. Е. Ворошилов ва Президент Сукарно нутқ сўзладилар. Президент Сукарно ва ўртоқ К. Е. Ворошилов шарафига, Ғалаба куни муносабати билан эса СССР Қуролли Кучлари, шунингдек Индонезия қуролли кучлари шарафига, абадий ва бузилмас Совет-Индонезия дўстлиги шарафига табрик сўзлари айтилди.

Президент Сукарно Европа, Латин Америкаси ва Осиё мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилаётганлигини айтди.

Ўртоқ К. Е. Ворошилов меҳмонга оқ йўл тилади ва Индонезия Президенти борадиган мамлакатларнинг халқларига осойишталик ва бахт-саодат, умумий тинчлик ва тараққиёт учун, тинч-тотув яшаш учун курашда муваффақиятлар тилади.

## СССРда 208 миллион 826 минг киши яшайди

### *1959 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг дастлабки якунлари тўғрисида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти*

СССР Министрлар Советининг қарорини бажариш юзасидан 1959 йил январда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказилди. Рўйхат маълумотларига қараганда ССР Иттифоқи аҳолисининг сони 1959 йил 15 январда 208 миллион 826 минг кишини ташкил этган.

Совет халқи, дейилади Марказий статистика бошқармасининг ахборотида, иккинчи жаҳон урушининг асосий оғирлигини ўз зиммасига олди, бу уруш давомида Ватан уруши фронтларида ва оккупация қилинган районларда кўп миллионлаб аҳоли нобуд бўлди, шунингдек уруш йилларида туғилиш кескин равишда камайди. Шунга қарамай Совет Иттифоқининг уруш олдидан 190,7 миллион кишини ташкил этган аҳолиси 1959 йилда 208,8 миллион кишига қадар, ёки 18,1 миллион киши миқдорида кўпайди.

Умуман СССР бўйича аҳолининг сони шу вақт ичида 9,5 процент кўпайгани ҳолда, Урал районларининг аҳолиси 32 процент, Ғарбий Сибирь районларининг аҳолиси 24 процент, Шарқий Сибирь районларининг аҳолиси 34 процент, Узоқ Шарқ районларининг аҳолиси 70 процент, Ўрта Осиё ва Қозоғистон районларининг аҳолиси 38 процент кўпайди.

Сўнгра Марказий статистика бошқармасининг ахборотида иттифоқчи республикалар аҳолисининг сони ҳақидаги маълумотлар келтирилади. РСФСР аҳолисининг сони 1939 йилда 108.379 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 117.494 минг кишини, Украина ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 40.469 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 41.893 минг кишини, Белоруссия ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 8.910 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 8.060 минг кишини, Ўзбекистон ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 6.336 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 8.113 минг кишини, Қозоғистон ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 6.094 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 9.301 минг кишини, Грузия ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 3.540 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 4.049 минг кишини, Озарбайжон ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 3.205 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 3.700 минг кишини, Литва ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 2.880 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 2.713 минг кишини, Молдавия ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 2.452 минг киши бўлган бўлса 1959 йилда 2.880 минг кишини, Латвия ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 1.885 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 2.094 минг кишини, Қирғизистон ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 1.458 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 2.063 минг кишини, Тожикистон ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 1.484 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 1.982 минг кишини, Арманистон ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 1.282 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 1.768 минг кишини, Туркманистон ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 1.252 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 1.520 минг кишини ва Эстония ССР аҳолисининг сони 1939 йилда 1.052 минг киши бўлган бўлса, 1959 йилда 1.196 минг кишини ташкил этди.

Эркаклар билан хотин-қизлар сони рўйхатлар ўртасидаги даврда қуйидагича ўзгарди: 1926 йил 17 декабрдаги рўйхат бўйича (бутун аҳолига нисбатан процент ҳисобида) эркаклар 48 процент, хотин-қизлар 52 процент, 1939 йил 17 январдаги рўйхат бўйича эркаклар 48 процент, хотин-қизлар 52 процент, 1959 йил 15 январдаги рўйхат бўйича эркаклар 45 процент, хотин-қизлар 55 процентни ташкил этди.

Эркаклар билан хотин-қизлар сони ўртасидаги бундай нисбат катта ёшдаги кишилар ҳисобига вужудга келди ва урушларнинг, асосан иккинчи жаҳон урушининг оқибатлари натижасида туғилди. Ёши 32 дан паст бўлган аҳолига келганда, ҳозирги вақтда бу ёшлардаги эркаклар билан хотин-қизларнинг сони баравардир.

Совет давлатининг болалар ва оналар тўғрисида ҳамда оилани мустаҳкамлаш ҳақидаги ғамхўрлиги туфайли, шунингдек совет халқининг фаровонлиги узлуксиз ўсаётганлиги натижасида Совет Иттифоқида кўп туғулиш таъминланди, ўлиш айниқса болаларнинг ўлими кескин даражада камайди ва аҳолининг умр кўриш даври узайди. Революциядан олдинги даврдагига нисбатан аҳоли ўртасида ўлишнинг умумий даражаси 4 марта камайди, болаларнинг ўлиши эса қарийб 7 марта камайди. Мамлакатимизда аҳолининг табиий кўпайиши (ўлишга нисбатан туғилишнинг кўпайиши) сўнгги вақт ичида йилига уч ярим миллион кишидан ортади.

ССР Иттифоқининг уруш олдидан 60,4 миллион кишини ташкил этган шаҳар аҳолисининг сони кўпайиб, 1959 йилда 99,8 миллион кишига етди, ёки 39,4 миллион киши миқдорида кўпайди. Бу кўпайиш шаҳар аҳолисининг табиий ўсиши ва қишлоқ аҳолисидан анча кишининг ишлаш учун шаҳарларга ва ишчи посёлкаларга кўчиб келиши ҳисобига рўй берди. Қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб келиши, саноат ишлаб чиқариши янада анча ўсганлигининг натижасидир ҳамда социалистик қишлоқ хўжалигида механизациялашнинг муваффақиятлари ва меҳнат унумдорлиги ошганлиги туфайли мумкин бўлиб қолди.

Марказий статистика бошқармасининг ахборотида иттифоқчи республикалар бўйича шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сони, республика, ўлка ва областлар бўйича аҳолининг сони тўғрисидаги маълумотлар шаҳарлар ва шаҳар четидаги посёлкалар сони кўпайганлиги ҳамда 1939 йилдан 1959 йилгача ўтган давр ичида улардаги аҳолининг сони ҳақидаги маълумотлар келтирилади. 1939 йилда СССРда 500 минг ва ундан ҳам ортиқ аҳолиси бўлган 11 шаҳар бор эди. 1959 йилда бундай шаҳарлар 25 тага етди. Ахборотда иттифоқчи ва автоном республикалар, ўлка ва область марказлар ҳисобланган шаҳарлардаги аҳолининг сони, шунингдек аҳолиси 50 минг кишидан ортиқ бўлган бошқа шаҳарлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Москва аҳолисининг сони 1959 йил 15 январда 5.032 минг кишини, Ленинград аҳолиси 3.300 минг кишини, Киев аҳолиси 1.102 минг кишини, Боку аҳолиси 968 минг кишини, Тошкент аҳолиси 911 минг кишини, Тбилиси аҳолиси 694 минг кишини, Рига аҳолиси 605 минг кишини, Минск аҳолиси 509 минг кишини, Ереван аҳолиси 509 минг кишини, Олмаота аҳолиси 455 минг кишини, Таллин аҳолиси 280 минг кишини, Вильнюс аҳолиси 235 минг кишини, Сталинобод аҳолиси 224 минг кишини, Фрунзе аҳолиси 217 минг кишини, Кишинев аҳолиси 214 минг кишини, Ашхобод аҳолиси 170 минг кишини ташкил этди.

Аҳоли рўйхатининг қисқа дастлабки якунлари рўйхатга олиш ходимлари томонидан ўтказилган ҳисоблар натижасида олинди. Ҳозирги вақтда машина — ҳисоблаш станцияларида рўйхатга олишнинг аҳолининг жинс, ёш, миллат, тил, маълумот, ўқиш, оилавий аҳвол бўйича, жамоат группалари, тирикчилик воситаси манбаълари бўйича, халқ хўжалиги тармоқлари бўйича, ишлаб чиқариш ва муҳим касблар бўйича тақсимланиши тўғрисидаги ана шу аломатлар бўйича аҳолининг составини кўрсатадиган муфассал маълумотлар территориал тариқада ишлаб чиқилмоқда.

(ТАСС-ЎзТАГ).

## Етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажарамиз

### Тошкент область автомобиль тресте автохўжаликлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг 1959 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXI съезди ишлаб чиққан мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган етти йиллик план барча совет кишилари томонидан тўла маъқулланди. Эндиликда халқимиз бу улуғвор программани амалга ошириш учун курашни тобора қизитаётир.

Етти йиллик планда Тошкент область автомобиль трести коллективи зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланади. 1959 йилнинг ўзидагина биз автомобиль транспортидан фойдаланишни янада яхшилаш, меҳнат унумдорлигини тинмай ошира бориш, юк ташиш харажатларини камайтириш, юкларни марказлашган усулда ташишни кенг жорий қилиш, Тошкент шаҳар ва областимизда олиб борилаётган етти йиллик қурилишларига бинокорлик материалларини бир меёрда етказиб туришга эришиш, Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши системасидаги корхона ва муассасаларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, меҳнаткашларга автобус ва таксомотор транспорти хизмати кўрсатишни яхшилашга эришишимиз керак.

Республикамизда, шу жумладан областимизда юк оборотини янада тезлаштириш бўйича автотранспорт ходимлари олдида турган катта вазифаларнинг моҳиятини тўла англаганимиз ҳолда, биз, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги Тошкент область автомобиль тресте автохўжаликларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари мавжуд имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, халқ хўжалиги юклари ва пассажирлар ташиш бўйича 1959 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммамизга қуйидаги социалистик мажбуриятларни оламиз:

Барча турдаги халқ хўжалиги юкларини ташиш йиллик планини муддатидан илгари — 25 декабргача бажариш ва планга қўшимча равишда 11,2 миллион шартли тонна-километр ҳажмдаги ишларни бажариш.

Капитал қурилиш йиллик планини 1 декабргача, уй-жой биналари қурилиши топшириғини эса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигигача бажариш. Меҳнат унумдорлигини белгиланганига нисбатан 4,4 процент ошириш.

Техника-иқтисодий кўрсаткичларни, жумладан автомашиналарнинг юриш тезлиги коэффициентини 0,54 процент ошириш, юк ортиш ва тушириш вақтини 4 процент камайтириш ва автомобиль паркидан фойдаланиш коэффициентини 2,5 процент ошириш.

Барча турдаги юкларни ташиш таннархини камайтириш ва шу ҳисобдан планга қўшимча равишда 4 миллион 100 минг сўм фойда олиш.

Барча автохўжаликларда шоферларга меҳнат ҳақи тўлашнинг янги системасига ўтиш бўйича белгиланган тадбирларнинг ҳаммасини 1959 йилнинг биринчи ярмидан кечикмай тўла амалга оширилишини таъминлаш. Автомобиль шиналарининг хизмат муддатини 5 процент кўпайтириш.

Барча автомобиль хўжаликларида рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кенг ривожлантириш. Бунда инженер-техник ходимлар билан бирга ишчиларнинг оммавий равишда иштирок этишига эришиш.

Тошкент область автомобиль трестига қарашли барча автобаза, автостанция, автобус парклари ҳамда таксомотор парклари коллективлари етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар.

Биз ўз зиммамизга бу юксак социалистик мажбуриятларни олиб, областдаги барча автомобиль хўжаликларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини 1959 йил давлат планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг ривожлантиришга чақирамиз.

**Бу мажбурият Тошкент область автомобиль трести ходимларининг кенгашида муҳокама қилиниб, қабул этилган.**

## Ҳиндистондаги Жамму ва Кашмир штатининг бошлиғи Каран Сингх шарафига зиёфат

9 майда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Жамму ва Кашмир штатининг бошлиғи юварож Каран Сингх ва унинг рафиқаси шарафига зиёфат берди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган бу зиёфатда республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри С. О. Азимов, республика министрлари Ҳ. А. Маърупов, С. М. Муҳамедов, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари И. М. Мўминов, Х. Р. Мусахонова, Қ. Р. Рўзметов, М. Й. Йўлдошев, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Ш. К. Ширинбоев, республика Министрлар Советининг ва Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда юварож Каран Сингхнинг Совет Иттифоқи бўйлаб қилаётган сафарида унга ҳамроҳ бўлган Тожикистон ССР Маданият министри А. Имомов, Жамму ва Кашмир штатининг иқтисодий ва молиявий масалалари бўйича секретари П. Н. Чакко, СССР Министрлар Совети ва Ташқи ишлар министрлигининг ходимлари ҳам бор эдилар.

Зиёфат вақтида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов ва Ҳиндистон Жамму ва Кашмир штатининг бошлиғи юварож Каран Сингх табрик нутқи сўзладилар.

Ҳиндистонлик ҳурматли меҳмонларга эсдалик совғалари, шу жумладан, Кашмирнинг машҳур қадимий шоири Гани қўлёзмаси копиясининг микрофильми тақдим этилди. (ЎзТАГ).

